# Qishloq hayoti

**2017 йил** Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

**2017-YIL 26-yanvar, payshanba, № 11 (8718)-son**

**web sayt:** www.qishloqhayoti.uz


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошчимиз ғоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.**

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қалбидан чуқур жой олган Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мамлакатимиз фуқароларидан кўплаб таклифлар тушмоқда.

Халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги буюк тарихий хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2016 йил октябрь ойида Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилгани;

Тошкент шаҳар, Яшнобод туманининг Фарғона йўли кўчасида жойлашган жоме масжидга "Ислом ота жоме масжиди" деб ном берилгани;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда "Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш чора-тадбирлари режасини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқсин.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифалар топширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуасини барпо этиш;

тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймосини яратиш бўйича халқаро ижодий танловда ғолиб деб топилган ҳайкалларни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Ислом Каримов туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида ва у киши биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари биргаликда: Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳида (Ўзбекистон кўчаси, 45) Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш ва Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фондини ҳам ушбу манзил бўйича жойлаштириш; Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов музейини ташкил этиш;

қуйидаги муассаса ва объектларга:

Тошкент давлат техника университетига;

Асака шаҳридаги автомобиль заводига;

Фарғона шаҳридаги Санъат саройига;

Тошкент халқаро аэропортига;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклифлари асосида) Ислом Каримов номини бериш;

ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд топган сана – 30 январь кунини кенг нишонлаш, 2 сентябрь кунини Хотира куни сифатида ёд этиш. Ушбу саналар муносабати билан оммавий ахборот воситаларида Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритиш;

олий ўқув юртлари талабалари учун Ислом Каримов номидаги давлат стипендиясини жорий этиш;

Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратиш;

Ислом Каримов сиймоси акс эттирилган махсус почта маркаларини чиқариш.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ тадбирлар кенг ёритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 25 январь

## КИТОБХОНЛИК ТАРҒИБОТИ – АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА



*Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежининг ахборот-ресурс маркази 45 минг 370 дан зиёд китоб фондига эга. Марказда таълим масканининг 1 минг 487 ўқувчиси ҳамда ҳудуд аҳолисига намунали хизмат кўрсатилмоқда. Ўқув зали, электрон дарсликлар, абониментлар бўлимларида китоб мутолааси, зарур ахборот ва маълумот олиш учун барча шароит яратилган. Бу ерда хизмат қилаётган олти нафар мутахассис китобхонлик тарғиботига алоҳида эътибор қаратмоқда.*

*Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган суратлар.*

ҚАРОР ВА ИЖРО

## АМНИСТИЯГА ОИД ҚАРОР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНДИ

**Амнистия акти муҳим профилактик, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, муайян тоифадаги шахсларни нафақат жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни, балки уларни даволаш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш борасидаги бошқа қатор муҳим тадбирларни кўзда тутади.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тақдимномасига мувофиқ Олий Мажлис Сенати томонидан 2016 йил 12 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор ижросини таъминлашда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. 2017 йил 13 январь ҳолатида амнистия акти қирқ мингга яқин шахсга нисбатан татбиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор ижроси якунларига бағишланган йиғилишда шулар ҳақида сўз юритилди.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов, Бош прокуратура бошқарма бошлиғи Ж.Бозоров ва бошқалар мамлакатимизда барча соҳаларда, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Амнистияга оид қарор бунинг ёрқин тасдиғидир. Халқимизга хос инсонпарварлик, эзгулик ва раҳмдилликнинг юксак намунаси бўлган амнистия туфайли қонунни четлаб ўтган шахсларга тузалиш, оиласига қайтиш ҳамда жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиш учун яна бир имконият берилди.

Амнистияга оид қарорнинг қўлланилишида ошкоралик тамойилига тўлиқ амал қилинишига эътибор қаратилди. Бунда жамоатчилик назорати, хусусан, депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Шу мақсадда сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакиллари, Фуқаролик жамияти институтлари ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди. Улар томонидан жазони ижро этиш муассасаларида 185 учрашув ўтказилди. 8,3 мингдан зиёд маҳкум билан суҳбат қилинди. Амнистия актига асосан жазодан озод қилинган шахслар билан олиб борилаётган ишлар мониторинг қилиб борилди. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари, ташкилотлар, меҳнат жамоалари, жазони ўташ жойлари ҳамда маҳаллаларда қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида кўплаб тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Мажлисда қайд этилганидек, амнистия акти татбиқ этилган шахслардан 26 мингдан зиёди жиноий жавобгарликдан ҳамда жиноий жазодан озод қилинган. Жумладан, амнистия 5,4 мингдан зиёд хотин-қизга, 893 вояга етмаганга, 410 нафар чет давлатлар фуқаросига нисбатан қўлланилган.

Қарорнинг 2-бандига мувофиқ эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган 15 мингдан зиёд шахс жазодан озод қилинган. 13,5 мингга яқин шахснинг озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати қарорнинг 6-бандига мувофиқ қисқартирилган.

Амнистия тўғрисидаги қарор асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни рўёбга чиқариш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адлия, суд, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларидан иборат ҳудудий комиссиялар тузилганлиги ўз самарасини берди. Мазкур комиссиялар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Бош прокуратура, Конституциявий ва Олий судлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар, Меҳнат, Соғлиқни сақлаш, Ташқи ишлар, Адлия вазирликлари масъул ходимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган йиғилишда ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

ЖОЙЛАРДА ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

**Андижон вилояти**да 4 минг 877 саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. 2016 йилда улар томонидан 7,8 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Иқтисодиётга жалб этилган инвестицияларнинг асосий қисми янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилди.

Андижонда 2016 йил якунлари ва 2017 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишида бу алоҳида таъкидланди.

Вилоят ҳокими Ш.Абдураҳмонов бошқарган йиғилишда вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, туман, шаҳар ҳокимлари, бошқарма ва идоралар, вилоятдаги йирик корхоналар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этди.

Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган йиғилишда 2016 йилда вилоят иқтисодиётини юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20,9, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 8,1, қурилиш-пудрат ишлари 11,6, чакана товар айланмаси 14,3, хизмат кўрсатиш 16,5, инвестиция ҳажми 2,9 фоиз кўпайди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## ДЕПУТАТЛАР ПРИНЦИПИАЛ ЖИҲАТДАН МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

25 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

**Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йилдаги фаолияти якунларини ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.**

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар олдиндан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида муҳокама қилинган эди.

Парламент қуйи палатаси аъзолари ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йилдаги фаолияти якунларини муҳокама қилишдан бошладилар. Палатанинг ҳисобот давридаги фаолияти танқидий баҳоланди, депутатларнинг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати каби муҳим йўналишлардаги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Ўтган йилда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинганлиги таъкидланди. Хусусан, "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Назоратга оид ваколатларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар бажарилди. Ҳокимият ижро этувчи тармоғи вакилларининг, шу жумладан, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бир қатор раҳбарларининг бажарилган ишлари ва истиқболга мўлжалланган режалари тўғрисидаги ахборотининг эшитувлари ўтказилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисида белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш келгусида Қонунчилик палатасининг жорий фаолиятида устувор йўналиш бўлишини таъкидладилар. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик депутатлар корпуси фаолиятининг асосий принциплари бўлади. Шунингдек, ишларнинг ҳолатини шахсан ўрганиш ва аҳолининг зарурий эҳтиёжларини ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида депутатларнинг жойлардаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади.

**(Давоми 2-саҳифада)**

МУНОСАБАТ

# ЎЗБЕКИСТОН – ТИНЧЛИК, ТОТУВЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА БАХТ МАМЛАКАТИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 24 январь куни миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари билан учрашувидаги нутқини зўр қизиқиш ва катта мамнуният билан қарши олдик. Унда билдирилган фикрларни чуқур ўрганмоқдамиз.**

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қашқадарё вилоятида бугунги кунда 50 мингдан зиёд туркман миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. 2007 йилдан буён фаолият юритиб келаётган вилоят туркман миллий-маданият маркази икки халқ ўзаро тотувлик, дўстлик муносабатларини ривожлантиришда кенг кўламдаги тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Ўзбек ва туркман халқи ҳақида сўз кетса, бозори ҳам, мозори ҳам бир эл, дея таъриф берилади. Икки халқ ўртасидаги қардошлик, ҳамкорлик ришталари мустаҳкам. Биргина мисол. Айни пайтда Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида 70 нафарга яқин талаба, Косон педагогика ва иқтисодиёт ҳамда Қарши тиббиёт коллежларида 170 нафардан ортиқ ўқувчи Туркманистондан келиб ўқийди. Шунинг ўзиёқ икки халқ ўртасидаги ўзаро ишончни, ҳамкору ҳамфикрликни кўрсатиб турибди.

Биз истиқомат қиладиган Миришкор туманида ҳам ўзбек ва туркман оилалари ёнма-ён, қўни-қўшни бўлиб яшашади. Тўй ва маросимларимиз бир. Конституциямизда белгилаб берилган барча ҳуқуқларимиздан тўла фойдаланяпмиз. Билим олиб, турли касб ва ҳунар эгаси бўлиб, оиламизни обод этишга, шу аснода Ватанимизга хизмат қилишга ҳаракат қиляпмиз.

Мен тумандаги 31-умумтаълим мактабида туркман тилида таълим олдим. Болалагимдан санъатга ошно тутиндим. Коллежда, сўнгра университетда санъат сирларини ўргандим. Ижодим эътироф этила бошлади. 2000 йилда "Ўзбекистон – Ватаним маним" кўрик-танловининг вилоят, 2012 йилда эса мамлакат босқичида бош соврин соҳиби бўлдим.

Камтарона меҳнатим туфайли давлатимизнинг юксак мукофоти "Шуҳрат" медалига лойиқ кўрилдим.

Ўзбекистон миллий маданият марказининг 25 йиллиги тантанасида иштирок этиб, бағрикенгликнинг амалдаги ифодасини чуқур идрок этдим. "Ўзбекистон – умумий уйимиз" фестивалининг якуний босқичида совриндор бўлдим. Бу юксак эътироф мен учун фахр ва ифтихордир.

Президентимиз учрашувда "Одамларнинг дарду ташвиши, манфаатларини ўйлаб яшаш, аҳоли учун муносиб шароитлар яратиш, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишни давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгилаганмиз. Ишончим комил, сизлар ана шу дастурий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этасиз", дея бизга катта ишонч билдирдилар.

Бу ишончни оқлаш яъни мамлакатимизни ривожлантиришга, унинг маънавий ва инсонпарварлик асосларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш йўлида бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

**Умриузоқ ҚУВВАТОВ,**
"Шуҳрат" медали соҳиби.

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

2016-2018 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 507,1 миллиард сўм миқдоридаги инвестиция ўзлаштирилиб, 3 минг 874 янги лойиҳа ишга туширилди. 42 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Жумладан, Булоқбоши туманида "Фан текстиль" масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 666,5 минг долларлик лойиҳа амалга оширилиб, йилига 2,2 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Саноат соҳасида ишга туширилган янги лойиҳаларнинг 83,6 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Вилоятда инвесторлар томонидан 33,6 миллиард сўм ҳамда 1,4 миллион доллар миқдоридаги хорижий инвестиция жалб этилиши ҳисобидан 2 йирик корхона ишга туширилди. Хусусан, Андижон шаҳрида иш бошлаган "Lemon international" хорижий корхонасида йилига 500 минг дона жинси шим, шунингдек, болалар ва аёллар кийимлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дори-дармон воситаларини маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш ва фармацевтика саноатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вилоятдаги 10 фармацевтика корхонасида 32 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили мазкур йўналишда умумий қиймати 2,4 миллиард сўмлик 5 янги лойиҳа амалга оширилди.

Йиғилишда аҳолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилди. Хусусан, кейинги 5 йилда аҳоли даромади 2,6 баробар, телевизор, кир ювиш машинаси, чангютгич, музлаткич сингари маиший жиҳозларнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши 1,5-2 баробар ўсгани, намунавий лойиҳалар асосида 6 мингдан зиёд замонавий уй қурилгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида вилоятда 2686 янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатга олиниб, уларнинг умумий сони 23 минг 580 тага етди. Ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 66 фоизни ташкил этди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга 873 миллиард сўм, 648,2 минг доллар миқдорида маблағ йўналтирилди.

Йиғилишда айрим соҳаларда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмаётгани қайд этилди, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

**Наманган вилоятида** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2016 йилда вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,3 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 23,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,9, қурилиш-пудрат ишлари 10,4, хизмат кўрсатиш 16 фоиз ўсди.

Ҳисобот даврида саноат корхоналари томонидан 3 триллион 411,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу 2015 йилдагига нисбатан 14,8 фоиз кўпдир. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 304,8 миллиард сўмлик инвестиция йўналтирилиб, 377 корхона фаолияти йўлга қўйилди ва шунинг ҳисобидан 8 минг 755 янги иш ўрни яратилди.

Наманганда 2016 йил якунлари ва 2017 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишида бу факт ва рақамлар таъкидланди.

Вилоят ҳокими Х.Бозоров бошқарган йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоятда 2016 йилда 17 лойиҳани амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 30 миллион долларлик инвестиция, жумладан, 17,4 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида 25,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 4 миллион 312 минг доллар валюта тежалди. Вилоятдаги ҳудудий экспортчи субъектлар томонидан 151,2 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 1 минг 555 лойиҳани амалга ошириш учун 518,8 миллиард сўм ва 1,5 миллион доллар йўналтирилиб, қарийб 16 минг янги иш ўрни яратилди.

Йиғилишда 2016 йил натижалари танқидий руҳда таҳлил этилиб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, янги саноат корхоналари ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш дастури ижроси тизимли ташкил этилмагани натижасида ўтган йили 132 саноат корхонаси фаолияти тўхтаб қолгани учун 45 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмади. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 3 корхона томонидан ишлаб чиқариш кўрсаткичи 3 миллиард сўмга бажарилмай қолди. Экспорт бўйича белгиланган вазифалар ижроси ҳам тўлиқ таъминланмади.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш ва бошқа соҳаларда йўл қўйилган камчилик ҳамда нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Наманган шаҳри ва туманларда 2017 йил ижтимоий-иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари бажарилиши юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб олинди. Улар ижросига ҳокимлар ва бошқа мутасаддиларнинг шахсан жавобгар экани таъкидланди.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

**Навоийда** 2016 йил якунлари ва 2017 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Қ.Турсунов бошқарган йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган изчил ишлар самарасида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10 триллион 5 миллиард сўмни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 5,9 фоиз, жумладан, ҳудудий саноат маҳсулотлари 15,4 фоиз, халқ истеъмоли моллари 12, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,1, қурилиш ишлари 9,3, чакана савдо айланмаси 15,1, умумий хизматлар 15,5 фоизга ошди.

Вилоятда ўтган йили 866 янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 611,9 миллиард сўм кредит ажратилди. 2,8 триллион сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 229 миллиард сўмликдан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиб, 9 минг 500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Фаоллар йиғилишида вилоят халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари фаолияти қаттиқ танқид қилиниб, камчиликларни зудлик билан бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди. Халқ банки, "Алоқабанк", "Ипотекабанк", "Агробанк", "Ўзсаноатқурилишбанк" вилоят филиалларининг кам таъминланган оилалар ва коллеж битирувчиларига имтиёзли кредит ажратишдаги фаолияти қониқарсиз экани таъкидланди. Бу борадаги ишларга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, айрим туманларда экспортни ривожлантириш борасида кузатилган камчилик ва муаммолар, газ, электр энергияси истеъмолидан дебитор ва кредиторлик қарзларининг ортгани танқид қилинди. Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**Н.РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

**Жиззахда** 2016 йил якунлари ва 2017 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими У.Узоқов бошқарган йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳаларни ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш юзасидан олиб борилган ишлар самарасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида изчил ўсиш таъминланди. Хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда олдинги йилларга нисбатан сезиларли силжишларга эришилди.

Ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,6 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 17,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,3, қурилиш-пудрат ишлари 11,8, чакана товар айланмаси 15,2 фоиз кўпайди. Саноат соҳасини ривожлантиришга доир 304, қишлоқ хўжалигида 696 лойиҳа амалга оширилди.

Давлатимиз томонидан "Жиззах" эркин иқтисодий зонасини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор вилоят саноатини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2016 йилда бу ерда фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан 163 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ўтган йили 80,3 фоизни ташкил этди.

Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 38 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

Вилоятда 2017-2018 йилларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш мақсадида 1 триллион 170 миллиард сўмлик 2 минг 246 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Шундан саноат соҳасида 436 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. 2017 йилда "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида 110 миллион доллар ҳисобидан йилига 24 миллион квадрат метр ойна ишлаб чиқарадиган корхонанинг биринчи босқичи ишга туширилади.

Вилоятда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга қаратилган дастурлар изчил амалга оширилаётир. Замонавий ва шинам турар-жойлар қуриш, электр энергияси ва табиий газ таъминотини яхшилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда айрим соҳаларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев прокуратура органлари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашуви чоғида прокуратура тизимида шахсий масъулиятни ошириш, ўз хизмат бурчига бўлган муносабатни қайта кўриб чиқиш, юклатилган вазифаларни сўзсиз бажариш учун зарур чораларни белгилаш, муаммолар адолатли ҳал этилишини таъминлаш лозимлигини таъкидлади.**

Қай бир соҳада бўлмасин адолат барқарорлиги таъминланса, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида қонунийлик устувор бўлса, жамиятда тараққиёт, юксалиш бўлади. Истиқбол учун белгиланган режалар, юрт тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган ишлар ҳеч бир монеликсиз ўз ижросини топади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, бугунги кунда прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши давр тақозоси эканлиги маърузада айтиб ўтилганлиги, мазкур йўналишда муҳим вазифалар белгилаб берилгани ҳам бежизга эмас.

Айни пайтда Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар йили Бош прокурор ҳисоботи эшитилиши йўлга қўйилган бўлса, шу йилдан бошлаб жойларда барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарлари аҳоли олдида ҳисоб бериши жорий этилганлиги, вилоятларда прокурор ишига қараб ойлик рейтинг тузилиши белгиланганлиги ҳам зиммамиздаги масъулиятни янада ошириб, фидойилик билан хизмат қилишимиз зарурлигини теранроқ англатди.

Президентимиз белгилаб берган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш учун айни вақтда йўл қўйилган камчиликларни очиқ, ошкора таҳлил этган ҳолда жойларда тадбиркорлар, кенг жамоатчилик билан учрашув ва семинарлар ташкил қиляпмиз. Ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида аҳолидан тушаётган ариза ва шикоятларни ўз вақтида, адолатли ҳал этишга янгича ёндашиш, унинг механизмларини янада такомиллаштириш борасида тизимли ишларни йўлга қўймоқдамиз.

Айни пайтда эътиборимиз Президентимиз фикрларидан хулоса қилиб, фаолиятимизга янгича ёндашиш, зиммамиздаги вазифаларни ўта масъулият ва фидойилик билан адо этиш, шу орқали ҳар бир соҳада қонунийликни таъминлашга қаратилган. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар прокуратура органлари ходимлари шахсий масъулиятини тобора кучайтириш баробарида инсон ҳуқуқлари ҳимояси мамлакатимизда энг олий қадрият даражасида эканлигини намоён этади.

**Шерзод ОРТИҚБОЕВ,**
*Сирдарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, 1-даражали юрист.*

# ДЕПУТАТЛАР ПРИНЦИПИАЛ ЖИҲАТДАН МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**(Боши 1-саҳифада)**

Парламент қуйи палатаси депутатлари ўз ишларини "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилиш билан давом эттирдилар.

Депутатлар таъкидлаганларидек, қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига давлат органларининг иш юритувида бўлган айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг кўриб чиқилишини судлар ваколатига ўтказишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ҳокимиятининг ролини оширишга, маъмурий ишларнинг ушбу тоифаларини кўриб чиқиш чоғида беғаразлик ва холисликни таъминлашга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар эътиборига "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда тақдим этилди. Қайд этилганидек, ҳозирги вақтда банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан хўжалик судининг апелляция инстанцияси чиқарган қарорлар кассация ва назорат тартибида қайта кўриб чиқилмайди. Бу эса, ўз навбатида, кредиторлар ва қарздорларнинг юқори турувчи инстанцияларга судларнинг қарори устидан шикоят қилиш борасидаги ҳуқуқларини чеклайди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мазкур чекловни бартараф этиш имконини беради ҳамда кредитор ва қарздорларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда кўпроқ эркинлик беради. Муҳокамадан сўнг депутатлар қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мажлисда парламент аъзолари Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

**Қашқадарё** вилояти

*Шаҳрисабзлик Қувондиқ Бобоев томонидан парфюмерия ва ювиш воситалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Муҳаммадиева Нозима" хусусий корхонаси фаолияти йўлга қўйилиши ўн кишини доимий иш билан таъминлади.*

## ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ БИЛАН

– Айни вақтда бир неча турдаги шампун ва бошқа ювиш воситалари ишлаб чиқараётган бўлсак, тез орада бунинг ёнига хўжалик совунини ҳам қўшмоқчимиз, – дейди тадбиркор. – Бундан ташқари, маҳсулотларимизни экспортга чиқариш устида ҳам иш олиб боряпмиз.

Келгусида корхонага қўшимча технологиялар келтириш кўзда тутилган. Бу жаҳон андозаларига мос, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кенг имконият яратади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

## ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

**Тошкент** вилояти

*Бўка туманидаги Хўжақўрғон қишлоғидаги "Platinum PIZZ" масъулияти чекланган жамиятида турли русумдаги енгил ва юк автомобиллари учун ойналар тайёрланмоқда.*

– Илгари бу каби жиҳозлар асосан хориждан келтириларди, – дейди корхона раҳбари Саиджон Абдураҳмонов. – Ички бозорни ўргангач, ушбу маҳсулотга талаб катта эканлигини англаб етдик. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз билан маҳсулотларимиз ўз харидорини топди.

Корхонада янги технология асосида иш бошланиши билан 30 дан зиёд доимий иш ўрни яратилди. Бандлиги таъминланганларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежларини тамомлаган қишлоқ ёшларидан иборат. Корхонада келгусида маҳсулотлар турини янада кўпайтириб, уларни ташқи бозорга чиқариш режалаштирилмоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ**

**Навоий** вилояти

# ИРРИГАТОРЛАР ДЕҲҚОНЛАРГА КАМАРБАСТА

**Навоий вилоятида экин майдонларининг шўрини ювиш, суғориш тармоқларини тозалаш, гидроиншоот ва гидропостларни таъмирлаш ҳамда ғалла майдонларини "шарбат" усулида суғориш учун хандақлар қазиш ишлари қизғин давом этмоқда.**

Жорий мавсумда режадаги 20 минг гектар ер шўр ювишга тайёрланиб, бугунги кунда биринчи шўр ювиш ишлари ўз ниҳоясига етказилди. Иккинчи шўр ювиш ишлари салкам 15 минг гектар майдонга мўлжалланган бўлиб, бу тадбир амалда қарийб 12 минг гектар майдонда сифатли бажарилди. Шунингдек, учинчи шўр ювиш ишлари ҳам белгиланган ҳудудларда муваффақиятли олиб борилмоқда. Ушбу муҳим агротехник тадбирларни ўз муддатида, сифатли ўтказиш учун вилоят бўйича 44 та шўр ювиш отряди ташкил этилиб, уларга жами 4 минг 341 нафар малакали сувчи бириктирилди.

Обиҳаётдан оқилона фойдаланиш ва кўзланган манзилларга ўз вақтида етказиб бериш мақсадида сув иншоотларини мавсумий таъмирлаш ва тозалаш ишлари ҳам жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунга қадар 47 та гидротехник иншоот, 39 та гидропост таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятда жами 669,7 километр узунликда хўжаликлараро каналлар мавжуд бўлиб, шунинг салкам 152 километр қисми тозаланиши кўзда тутилган эди. Шу пайтгача 136 километрида бу ишлар бажарилди. Мазкур юмушлар учун 11 дона юқори унумли экскаватор жалб этилиб, улардан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Шунингдек, 8 минг 388 километр узунликдаги хўжаликлараро ички суғориш тармоқларида ҳам белгиланган ишлар ўз вақтида уддаланди. Гидротехник иншоотлар, гидропостлар таъмирланиб, сув олиш қулоқлари жиҳозланмоқда.

Жорий йил ҳосили учун парваришланаётган 40 минг 600 гектар майдондаги бошоқли дон экинлари шу пайтгача икки марта тўлиқ суғорилди. Айни вақтда учинчи суғориш ишлари ҳам талаб даражасида олиб борилмоқда. Суғоришнинг асосан "шарбат" усулида олиб борилаётгани экинлар ривожида муҳим аҳамият касб этади.

**Абдуқаюм УБАЙДУЛЛАЕВ,**
*"Кармана-Конимех" ирригация тизими бошқармаси бошлиғи.*

Қорақалпоғистон Республикаси

# ДАЛАЛАРДА СОКИН ҚИШ, ДЕҲҚОН УЧУН ҚИЗҒИН ИШ

**Қиш ўсимликлар учун тиним даври бўлса, деҳқону фермерлар учун иш фаслидир. Бири даласига сув бераётир, бошқаси ўтган йилнинг кузида жорий йил ҳосили учун экилган буғдой майсаларини парваришламоқда.**



Чимбой тумани миришкорлари ҳам йил сайин тажрибаларини ошириб, ғаллачиликда юқори натижаларга эришиб келмоқдалар.

– Деҳқончиликда "Ер билан тиллашади", "Ўсимлик билан сўзлашади" иборалари кўп қўлланади, – дейди туманнинг "Майжап" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Зойир" фермер хўжалиги раҳбари Шарибой Абдукаримов. – Шу жиҳатдан олиб қараганда, биз ҳам экиш мавсумида тупроқ билан тиллашсак, униб чиққач, майса билан сўзлашамиз. Тан олиш керак, авваллари ҳудудимизда ғалла кўп экилмагани боис, ушбу экин тури бўйича тажрибамиз ҳам кам эди. Ўтган йиллар давомида ғаллани экиш, парваришлаш ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тажрибамизни оширдик. Шунинг учун ҳам шартномадаги режаларни ортиғи билан уддалаяпмиз.

Буғдой майсалари парваришида об-ҳавога қараб ишлов бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мен ҳар йилги иқлимнинг ўзига хослигини инобатга олиб, соҳа мутахассисларининг тегишли тавсияларига амал қиламан. Масалан, яқинда қўшни фермерларимиздан бири бу йил ёғин кўп бўлди, ерда нам етарли деб сув беришни кечиктиришини айтди. Яна бири ғаллага етарлича ўғит бердим, лекин майсанинг ривожи яхши эмас, деган фикрларни билдирди. Мен дарҳол бу ҳақда мутахассислар билан маслаҳатлашдим.

Уларнинг таъкидлашича, қиш ойларида ўсимлик илдиз тизими яхши ривожланмаслиги натижасида берилган маҳаллий ва минерал ўғитлар ҳам секин ўзлаштирилади. Ғалла оқар сув билан суғорилганда эса ўсимлик илдизи ишқордан ювилади. Шунингдек, ернинг пастки қатламидаги ишқорли тузларнинг концентрацияси пасаяди. Натижада сув қўйилган майдонлардаги ғалланинг ҳолати кескин ўзгаради.

Ҳа, бугун фақатгина ўзининг амалий тажрибаларига суянмасдан, ҳар бир экинни тегишли мутахассислар тавсияларига амал қилган ҳолда парваришлаган фермер асло кам бўлмайди. Буни яхши билган Шарибой оға ғалла майдонларига маҳаллий ўғит чиқариш, суғориш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Дастлаб, 1996 йилда унинг отаси Болтабой Абдукаримов мазкур фермер хўжалигини ташкил этганди. Ўн йилдан ортиқ отасининг қўл остида иш ўрганиб, тажриба оширган Шарибой оға 2009 йилдан бошлаб фермер хўжалигига раҳбарлик қила бошлади. Ишнинг кўзини билиши натижасида даромади ошиб, хўжалиги иқтисоди яхши кўрсаткичга эга фермерлик хўжаликлари қаторига қўшилди. Бу эса, ўз навбатида, деҳқоннинг қўл-қанотига тенглаштирилган янги техникалар сотиб олиш имконини берди. Фермер ҳар йили ҳосилдан олинган даромад ҳисобига янги техника сотиб олишни анъанага айлантирди. Дастлаб, "Арион-630" русумли юқори унумли ҳайдов трактори, кейинги йили ғалла ва шоли сомонларини зичланган ҳолда йиғиштирувчи агрегат, ўтган йили эса комбайн олинди.

Жорий йилда ҳам хўжалик аъзолари барча экин турларидан мўл ҳосил етиштиришни дилига тугиб, меҳнат қилаётир. Уларнинг сокин қишни ҳам қизғин иш фасли, деб билгани эртага, албатта, ўзининг самарасини беради.

**Ғайратжон ОТАЖОНОВ**

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА



# САЛАТБОП ШОЛҒОМ

***Баргини ҳам истеъмол қилиш мумкин бўлган ушбу янги навдан йил давомида ҳосил етиштирса бўлади***

Шолғом ўлкамизда қадимдан экиб келинадиган сабзавот экини бўлиб, тарихи 4-5 минг йилларга бориб тақалади. Меваси таркибида жуда кўп калий ва темир элементлари, инсон учун қимматли бўлган С, РР, В1, В2, провитамин А (каротин) учрайди.

Баргида аскорбин кислота ва витаминлар илдизмевасидан кўп.

Табобатда шолғом шамоллашга қарши, ични енгил юмшатишда, сийдик ҳайдашга, юракни ва танани тинчлантирувчи сифатида кўп ишлатилади. Хусусан, илдизмеваларидан тайёрланган шарбат ёки бўтқа бронхиал астма, хроник бронхит, йўталга, овоз бўғилиб қолганда, ларингитга қарши яхши даво сифатида тавсия этилади.

Шолғом (Brassica campestres l) карамдошлар ёки бутгуллилар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик бўлиб, биринчи йили илдизмева, иккинчи йили гуллаб уруғ беради.

Биринчи йилги тўпбарги кичик, барглар ер бағирлаб ўсади, патсимон, илдизмеваси ясси ёки ясси юмалоқ ранги оқ, қизил, сариқ рангда бинафша, эти оқ ёки сариқ бўлади.

Ўзбекистонда шолғомнинг Наманган маҳаллий, Самарқанд маҳаллий каби навлари экиш учун қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган.

**Наманган маҳаллий нави** – эртапишар. Илдизмеваси ўртача, ясси-юмалоқ шаклда, серсув, ширин, оқ, айрим пайтларда оч сариқ, ён илдизлари кўп, тупроққа тўлиқ ботади. Илдизмева вазни 138-140 грамм. Ҳосилдорлиги гектарига 40-42 тонна, ўсув даври 54-60 кунни ташкил этади.

**Самарқанд маҳаллий нави** – эртапишар. Барги қирқилган, қаттиқ, ранги тўқ яшил. Илдизмева шакли ясси-юмалоқ, пўстининг ранги малинасимон, пушти, юзаси кўндаланг қабариқли, этининг ранги оқ, тиғиз. Илдизмева вазни 120-130 грамм. Ҳосилдорлиги гектарига 30-34 тонна, ўсув даври 53-55 кунни ташкил этади.

Кейинги йилларда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан интродукция усули билан салатбоп шолғомнинг **"Муяссар" нави** яратилди ва давлат реестрига киритилди. Мазкур шолғомнинг асосий хусусиятлари шундаки, унинг нафақат илдизмеваси, балки барглари ҳам истеъмол қилинади. Илдизмевасини янгилигида редиска каби истеъмол қилиш мумкин, барги қайнатилган ва тузланган ҳолда дастурхонга тортилади. Таркибида витамин, қуруқ модда, қанд ва оқсил бўлади. Илдизмева шакли юмалоқ, эти серсув, ранги оқ, нозик, вазни 102 грамм, диаметри 6-7 см. Ҳосилдорлиги гектарига 35-40 тонна, ўсув даври – 91 кун.

Илдизмеваси серсувлиги, ширинлиги, тахирсизлиги ва эрта пишарлиги билан оддий дала шолғомидан фарқ қилади.

Мевасининг озуқалик сифати яхшилиги, минерал элементлардан калий ва темирни кўп тутиши, эти аччиқ бўлмаслиги, С, РР, В1, В2 каби витаминлар мажмуасининг мавжудлиги, шунингдек, ўсимликларда кам учрайдиган янтар кислотасининг бўлиши ушбу сабзавотнинг истиқболли экин эканлигини кўрсатади.

Республикамизда шолғом ҳозиргача такрорий экин сифатида ёзги-кузги муддатларда экиб келинган бўлса, мазкур шолғомни йил давомида етиштирса бўлади. Бироқ республикамиз иқлим шароитига мос навлари устида илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти олимлари **салатбоп шолғомнинг янги "Гулшод" ҳамда баргли шолғомнинг "Дармон" навларини** Давлат нав синаш комиссиясига топширишга тайёрлашмоқда.

Салатбоп ва баргли шолғомни нафақат такрорий, балки эрта баҳорда вақтинчалик плёнка остида, қиш ойлари эса иссиқхоналардаги помидор ва бодринг қатор ораларида экиб, ҳосил олиш мумкин.

**А.РАҲМАТОВ,**
*Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими.*

Тошкент вилояти

**Ўрта Чирчиқ туманидаги "Истиқлол" қишлоқ фуқаролар йиғини Майрамкўл маҳалласидаги томорқачилар хонадонларида қиш фасли бўлишига қарамасдан баҳор тароватию куз тўкинчилигини кўриш мумкин. Улар аҳоли дастурхонини помидор, бодринг каби сервитамин маҳсулотлар билан бойитмоқда.**

# ҚИШ ДАСТУРХОНИГА ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

Маҳалладаги энг намунали, томорқачиликда катта тажрибага эга Гулнора Қаюмова оила аъзолари билан ҳамжиҳатликда қарийб 15 йилдан буён томорқасига помидор, бодринг кўчатлари экиб, рўзғори тўкинлигини таъминлаб келмоқда. Оила бекасига бундай меҳнатсеварлик отаси Абдушукур Қаюмовдан мерос.

Бу юмушда Гулнорахонга келинлари Муқаддасхон ва Шаҳзодахонлар яқин ёрдамчи. 4 сотихли ерда барпо этилган иссиқхонада ўтган йилнинг куз ойларида экилган "Аламина" навли помидор кўчатлари минерал ва маҳаллий ўғитлар билан тўйинтирилиб, 3-4 ойда пишиб етилди. Эндиликда тупида 15-20 тагача ҳосилга эга мазкур навли помидор туман, шаҳар бозорлари расталари, аҳоли дастурхонини безамоқда. Энг асосийси, кўчатлар ҳам шу иссиқхонанинг ўзида етиштирилган. Маҳсулот териб олингач, ўрнига бодринг экилиб, парваришланади.

Ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб, ҳалол меҳнатлари туфайли уй қуриб, тўйлар қилаётган оила соҳибаси Гулнорахон Қаюмова кўп йиллар тиббиёт соҳасида ишлаб, маҳалладошларининг беминнат хизматида бўлди. Эндиликда ширин невараларнинг бувижониси маҳалла ишларида ҳам фаол.

Келинлари худди қайнонаси каби рўзғорда уқувли, деҳқончилик юмушларида чаққон. Бундай ибратли, ҳавас қилса арзийдиган оилалар, меҳнати элда азиз инсонлар эса нафақат ушбу маҳаллада, балки туманда ҳам кўплаб топилади.

**Равшан МИРЗАҚУЛОВ**

Наманган вилояти

# ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўтган йили Наманган вилоятида жорий йил ҳосили учун 14 минг тонна уруғлик пахта етиштирилди. Қайта ишлаш, туксизлантириш, саралаш орқали 7 минг тонна уруғлик чигит тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, 3 минг тонна чигит туксизлантирилди, 4 минг 500 тоннаси зараркунанда ва касалликларга қарши ишловдан ўтказилиб, захирага жамғарилди. Бу жараёнда уруғлик чигит тайёрлаш цехларининг илғор технологиялар билан жиҳозлангани юқори самара берди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида пахта уруғчилиги истиқболларига бағишлаб ўтказилган семинарда ҳам ушбу жиҳатлар эътироф этилди. Иштирокчилар бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли изланишлар ва қўлга киритилаётган натижалар ҳақида фикр юритишди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази директори Иброҳимжон Абдураҳмонов етакчилигида яратилган эртапишар, юқори ҳосилли, сифатли тола берувчи, саноатбоплиги билан кўпчиликка маъқул бўлаётган навлар юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

– Президентимиз мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан бўлган учрашувда биз, олимлар олдида турган долзарб вазифаларга тўхталиб, ишимизга янада масъулият билан ёндашишимиз, янгича муносабатда фаолият олиб боришимизни давр тақозо этаётганлигини таъкидладилар, – деди Иброҳимжон Абдураҳмонов. – Албатта, буни ҳар биримиз чуқур англаб етмоғимиз шарт. Бугун замон шиддат билан ривожланяпти. Унга ҳамнафас бўлиш, дунёнинг илғор тажрибаларини ҳаётга татбиқ этиш бугуннинг асосий талабидир.

Уруғчилик билан шуғулланувчи мутахассислар, пахта уруғчилигига ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган ўқув семинарда профессор Иброҳимжон Абдураҳмонов вилоятнинг кўпгина туманларида экилаётган "Омад", "Равнақ" навлари хусусида батафсил маълумот берди. Шунингдек, олим ва тадқиқотчиларнинг фермерлар билан ҳамкорликда олиб бораётган изланишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

# ҚОРУ ҚИРОВ ОСТИДАГИ БАРАКА

## КУЗГИ ҒАЛЛА МАЙСАЛАРИ ПАРВАРИШИ ҚИШДА ТЎХТАБ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

**Кўп йиллик тажриба натижаларига кўра, кузги буғдойда ҳар қандай шароитда ҳам физиологик жараён давом этади. Демак, унинг ривожи учун ҳар доим энергия зарур бўлади. Кунлик ҳарорат +3-5оС бўлганда, қишлаш даврида фотосинтез жараёни тўхтаб, фақат нафас олиш жараёни устунлик қилади.**



Бунда бошоқли дон экинлари уруғини экиш даврида берилган фосфорли ва калийли минерал ўғитлардан илдиз орқали синтез қилинган органик моддалар ҳисобига нафас олиш жараёни содир бўлади. Айтиш жоизки, кузги буғдой совуқ об-ҳаво даврида энергияни фақат нафас олиш пайтида танасидаги захира моддаларни парчаланиши эвазига ҳосил қилади. Шу билан бирга, қишда кундуз кунлари ўсимликда фотосинтез жараёни кечмайди. Ўсимлик қуёшнинг ёруғлик энергиясидан фойдаланиши ҳисобига хлорофил доначаларини тўплайди. Бу билан майсада кечаси кучаядиган совуққа чидамлилик ошади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кузги буғдой парваришида қиш фаслида агротехник тадбирларни бажаришга қатъий эътибор бериш лозим.

Чунончи айни даврдаги энг муҳим агротехник тадбирларидан бири бу – 1 гектар майдонга мўлжаллаб ўртача 8-10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғаришдир. Ҳар 5 гектар майдонга эса биттадан (чуқурлиги 1,5, эни 3, узунлиги 5 метр) "шарбат" ўралари қазиб, ҳар бир ўрага 50 тоннадан маҳаллий ўғит захирасини яратиш лозим. Далага чиқарилган маҳаллий ўғитларни ўраларга солиб, устини 5-10 см. қалинликда кўмиб қўйиш лозим.

Шу билан бирга, ғаллакорлар экин парваришида қуйидагиларга эътибор беришлари талаб этилади:

– муддатидан кеч экилиб, майса ривожи 3-4 барг, 1-2 барг ёки умуман униб чиқмаган майдонларда ер ёрилиш ҳолатларини аниқлаш, бундай майдонларга жамғарилган қуруқ гўнг ёки чиринди сочишни ташкил этиш (далада юза гўнг қатламини ҳосил қилиш) ҳамда шу майдонларни ҳар 2-3 кунда кузатиб бориш (Республикамизнинг шимолий минтақаларида тавсия этилмайди);

– ер музлаган вақтда ғўзапояси олинмаган майдонлар ғўзапоясини фақат ўриб олиш ёки техника ёрдамида майдалаш ишларини ташкил этиш (ғалла экилган майдонларда ғўзапояни юлиб олиш тақиқланади);

– ғўзапояси ўрилган майдонларда ғўзапояларни зудлик билан олиб чиқиб кетиш тавсия этилади (Ғўзапоя тўпланиб қўйилган майдонларда, ғўзапоя остида ниҳоллар қуёш нури етишмаслиги оқибатида сарғая бошлайди, фотосинтез жараёни тўхтайди);

– ғалла майдонларини сув билан таъминлайдиган ички ариқларни ҳашар йўли билан тартибга келтириш, ғўза қатор ораларини ғўзапоядан тозалаш ишларини тугаллаш мақсадга мувофиқдир;

– ер ости сувлари 1,5 метрдан чуқур жойлашган майдонларда чилла сувини енгил ўтказиш зарур. Шунда тупроқда нам тўпланади, ғаллага касаллик ва ҳашаротлар тушишининг олди олинади. Натижада бошоқдаги доннинг вазни ортади ва ғалла ҳосилдорлиги 5-10 центнерга кўпаяди;

– далани бегона ўтлардан ҳимоя қилиш, касаллик ва зараркунанда ҳашаротлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида, дала четлари ва суғориш тармоқларини тозалаш;

– маълум сабабларга кўра, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар берилмаган ғаллазорларга ер музлаган вақтидан фойдаланиб, йиллик меъёрдан 10-15 фоиз ортиғи билан сепиш;

– ғалладан бўшаган майдонларга такрор ғалла экилган майдонларда ғалладошлар оиласига мансуб бегона ўтлар кўпайишини ҳисобга олиб, уларга қарши гербицидлар захирасини яратиш чораларини кўриш;

– бошоқли дон экинларининг навларига қараб ғалла майсалари ҳолатини ўрганиб, мутахассислардан иборат дала кузатув гуруҳлар ташкил этиш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларнинг ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда сифатли амалга оширилиши, ғалладан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайди.

**Равшанбек СИДДИҚОВ,**
*қишлоқ хўжалик фанлари доктори.*

Сирдарё вилояти

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР – АМАЛИЁТГА

# ИШ БИЛГАНГА ИМКОН КЕНГ

**Отам Абдумалик Холбоев узоқ йиллардан бери кўп тармоқли "Соҳибкор" фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келмоқда. У чўл шароитида пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириш билан бирга, олма, анор, шафтоли, бодом, ўрик ва ток кўчатларини худуд шароитига мослаштириб, ажойиб боғ яратдилар.**

Бундан ташқари, 4 гектар ерда кўчат етиштириб, ҳар йили фермер хўжаликларини юқори ҳосилли олма, ўрик, гилос, шафтоли кўчатлари ҳамда узумнинг серҳосил "Ризамат" ва "Мерос" навлари билан таъминлаб келяпти. Мен ҳам отамнинг ёнида юриб, боғ илми, шўрхок ер шароитида мевали ва манзарали кўчат етиштириш сирларини ўргандим.

Мана, беш йилдирки, ўзим ҳам салкам 16 гектар майдонда алоҳида боғдорчилик фермер хўжалиги ташкил этиб, эл дастурхонига мевалар тортиқ этяпмиз. Хўжалигимизнинг қарийб 4 гектар майдонида кўчатчиликни ҳам йўлга қўйдик. Фермерлар ва томорқа эгаларига зарур кўчатларни етказиб беряпмиз.

Қисқа вақт ичида туманимизда боғдорчилик билан шуғулланаётган фермер ва томорқа эгалари кўпайди. Аҳамиятли жиҳати, бу ерда яшаётганлар шўр ерда мевали ва манзарали кўчатлар униб-ўсмайди, боғлар мўл ҳосил бермайди, деган тушунчадан халос бўлишди. Албатта, кўчат етиштиришнинг ҳам ўзига яраша сир-асрорлари бор. Биринчи галда, кўчат экиш учун ковланган ўрага қум ва тош аралаш соз тупроқни ташлаш, гўнгдан унумли фойдаланишга катта эътибор берамиз. Каттароқ кўчатни ерга қадайдиган бўлсак, унинг ўқ илдизи учини қирқиб ташлаб, ён илдизлари тупроққа яхши жойлашиб олишига асосий эътиборни қаратамиз. Бу кўчатларнинг тўлиқ амал олиб, ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Энг асосийси, амал олган кўчатларни ёз чилласида суғоришга алоҳида эътибор қаратамиз. Навларни ер шароитига қараб танлаб, тўғри жойлаштираётганлигимиз туфайли чўлда ҳосилдор боғ яратиб, эл дастурхони тўкинлигига муносиб ҳисса қўшмоқдамиз.

Ер – бебаҳо бойлик. Бизни кийинтириб, едирадиган ҳам мана шу ер, она замин. Унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш учун ёш кўчатлар орасига ошқовоқ, қовун-тарвуз, чекка уватларига сабзи, картошка экиб, улардан ҳам даромад оляпмиз. Баъзида 10-15 сотих, ҳатто, бундан ҳам кўп ери, томорқаси бўла туриб, бозордан кўкат, пиёз, картошка, помидор, бодринг сотиб олаётган, томорқаси эса бўм-бўш турган хонадон эгаларини кўриб ҳайрон қоламан. Ахир томорқасига экин экиб, парваришласа, эҳтиёжидан ортганини бозорга чиқариб сотса, йил бўйи рўзғори обод, дастурхони тўкин бўлади-ку!

Ишлаган, изланган одам ҳамма ерда имкон топаркан. Шу ўринда ўзим кўрган бир ибратли мисолни келтириб ўтмоқчиман. Яқинда Самарқанд вилоятининг чекка бир қишлоғидаги хонадонда бўлдим. 15 сотих ерда барпо этилган ажойиб иссиқхонадаги помидор, бодринглар ғуж-ғуж ҳосилини кўз-кўз қилиб турганидан ҳайратга тушдим. Иссиқхонанинг икки ёни оддий девор билан ўралган. Бир томонига одам бўйидан ҳам баланд қилиб гўнг уюб қўйилибди. Усти эса икки қаватли плёнка билан ёпилган. Бир томони ҳам плёнка билан тўсиб қўйилган. Ҳарорат кўтарилган пайтда ён томондаги плёнка очиб қўйилиб, экиннинг қуёшдан баҳра олиши таъминланаркан. Уй эгасининг изоҳ беришича, кўчатлар қиш мавсумида иссиқликни, асосан, гўнгдан олар, томорқа эгаси шу усулда иссиқхонада бир йилда икки марта ҳосил етиштираркан.

Бу тажриба бизга ниҳоятда маъқул тушди. Уни фаолиятда қўллашга қарор қилдик. Ердан омилкорлик билан фойдалансак, турмушимиз обод, дастурхонларимиз тўкин, рўзғоримиз бут бўлади.

**Дилшод ХОЛБОЕВ,**
*Сардоба туманидаги "Зокир Дилшод ҳамкорлиги" фермер хўжалиги раҳбари.*

